



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 4 (6)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

4

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Конвергенция и поляризация развитых и развивающихся стран в эпоху развития искусственного интеллекта.....	8
Mamatov B.S. Foreign investment is an important factor of economic growth.....	15
Raximova K.N. Raqamli iqtisodiyot sharoitida telekommunikatsiya kompaniyasining rivojlanish tendensiyasi.....	22
Karimov Sh.X. Turizmni barqaror rivojlantirishda hududiy boshqaruv omillarining ahamiyati.....	26
Raximov D.Sh. To‘qimachilik sanoatida diversifikatsiya darajasi va iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari tahlili.....	30
Rashidova K. Asalarichilik mahsulotlari bozorida marketing faoliyati samaradorligini oshirish.....	32
Хакимов Д.Р. Процессы, возможности и ограничения экономической интеграции между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой.....	37
Olimjanova Sh.O., Eshonqulov I.N. O‘zbekistonda agrar munosabatlarni takomillashtirishda resurs tejankor texnologiyalarni joriy etish masalalari.....	42
Valikulov Sh.Z. O‘zbekistonda neft-gaz sanoatiga investitsiyalarni jalb qilishning institutsional muammolari va yechimlari.....	48
Ganieva L.S. Bojxona xizmatlari samaradorligini oshirishning nazariy asoslari.....	52
Axrorova N.U. Turizm xizmatlaridan tajriba iqtisodiyotiga o‘tish: evolyutsion tahlil.....	56
Kamilova A.N. Sanoat ishlab chiqarish korxonasida mehnatni normalashtirish menejmentini tashkil etish va takomillashtirish yo‘llari.....	61
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanishni takomillashtirish chora-tadbirlari.....	66
Abdiyeva D.K. Priority directions for improving the national logistics policy in Uzbekistan.....	69
Xalimova N.J. Kreativ turizm: nazariy asoslar va ta’riflar qiyosiy tahlili.....	74
Maxramova N.Y. Strategik menejmentda qadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	78
Zaxirova G., Shavkatova N.O’. O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish masalalari.....	82
Maxmudov H., Muxtarova G., Maxmudov H. Ekologik muommolar va ularning mamlakat iqtisodiyotga ta’siri.....	86
Umurzakova M.N., Gulahmadov Sh.A. Davlat ichki va tashqi qarzlarning ijobiy va salbiy jihatlar tahlili.....	89
Xasanov I.M. O‘zbekistonda mulkchilik munosabatlarning transformatsiyasi: tadbirkorlikni rivojlantirish omili sifatida.....	94
Abdullayev M.G’. Personalni boshqarish tizimining ilmiy-nazariy asoslari va uning korxona samaradorligiga ta’siri.....	101
Адилов Б.Б., Абдуллаева М.К. Ўзбекистонда саноат корхоналарини ривожлантириш, тенденциялари.....	105
Абдуғаниев Ё.Ж. Яшил иқтисодиёт - барқарор ривожланиш мақсадларининг янги парадигмаси сифатида.....	112
Xusanboyeva T.M. Talabalarning iqtisodiy tafakkurini shakllantirishda to‘garaklarning o‘rni va ahamiyati.....	116
Xashimova S.N. O‘zbekiston milliy yashil taksonomiyasi mohiyati va ahamiyati.....	120
Mitillayev I.T. Tijorat banklarida kredit risklarini baholashda zamonaviy scoring modellari va ularning samaradorligini oshirish yo‘llari.....	124
Бобоқулова М.Ғ. Инвестиция муҳити ва Ўзбекистондаги инвестиция жараёнларининг динамикаси.....	127
Bekberganova M.R. “O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalari tushumlarining ekonometrik tahlili”.....	134
Рахимова М.Ш. Модернизация системы социальной защиты.....	138
Oqboyev A.R. Tadbirkorlik subyektlari eksport salohiyatini xalqaro standartlar asosida oshirish yo‘llari....	142
Djumanova R.F. Aholi turmush sifatini baholashning metodologik yondoshuvlari.....	147
Mamatov B.S., Umurzakova M.N. Davlat tibbiy sug‘urta tizimida bepul xizmatlar, reimbursasiya va foydalanish shartlari.....	154
Ешимбетов У.Х. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва иқтисослаштиришнинг илмий асослари.....	158
Xodjaeva F.K. Sanoat ishlab chiqarishini tartibga solishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish....	167
Yusupova M. Hududlarda ayollar va yoshlar tadbirkorligini rivojlantirishda institutsional qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish.....	171
Abduxalilov B.Z. O‘zbekistonda IT provayderlar xizmatlari raqobatbardoshligini oshirish: huquqiy va institutsional asoslar.....	175
Abdisamatov A.A. Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning nazariy asoslari.....	178

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

Abdusalomov I.J. Korxonalarda chiqindilarni boshqarish tizimini takomillashtirish va uning moliyaviy natijalarga ta'siri.....	182
Amirov L.F., Sokhibjonova S.S. Directions for increasing agricultural product exports in the context of a green economy.....	185
Boltaxo'jayeva I.O'. Ways to improve the enterprise management system based on modern management models.....	191
Dehqonov U.M., Sativaldiyeva G. Korxonalarda bo'nak to'lovlari hisobining moliyaviy hisobotga ta'siri va ularni optimallashtirish bo'yicha tahliliy yondashuvlar.....	195
Isoqova M.A. O'zbekistonda yashil energiyadan foydalangan holda kichik biznesni rivojlantirishning institutsional va moliyaviy mexanizmlari.....	199
Mamadaliyev B., Teshaboyev J. Korxonalarda mehnatga haq to'lash hisobini avtomatlashtirish va audit samaradorligini oshirish yo'llari.....	202
Poziljonov M., Teshaboyev X. Davlat muassasalarida asosiy vositalarning hisobini takomillashtirish va ulardan foydalanish samaradorligini oshirish.....	206
Rustamova F.A. Qishloq hududlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiy samaradorligini oshirishda innovatsion yondashuvlarning roli.....	209
Tursunboyev Q.O. Transport xizmatlari ko'rsatish sohasida kichik tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning xorijiy tajribalari.....	213
Umarov T.S. Hududlarda qurilish korxonalarini faoliyatini samarali tashkil etishni ekonometrik modellash va prognozlash.....	216
Xo'jaliyev A.O., Avilov N. Moliyaviy natijalar hisobi va auditda raqamli texnologiyalardan foydalanish samaradorligi.....	220
Xomidov T.T., Arziboyeva R.S. Bank aktivlarining tarkibi va ularni boshqarish omillari.....	223
Xusainov M. Sanoat korxonalarida mahsulot tannaxsini kalkulyatsiya qilish tizimini takomillashtirishning metodologik asoslari va audit mexanizmlarini rivojlantirish.....	227
Begaliyeva M.A., Egamshukurova N.R. Jahon savdo tizimi va milliy iqtisodiyot uchun uning ahamiyati..	231
Gulimboyev S.I. Korxonalarda moliyaviy resurslar taqsimotining zamonaviy usullari.....	235
Ibodov J.Q. Moliyaviy tizimning xizmatlar sohalari va bo'g'inlari.....	239
Jumabayeva K.B. Xalqaro pensiya tizimi modellari va ularning mintaqaviy tamoyillari.....	243
Khusanova Z.R., Yo'ldasheva Z.U. Global trends in the development of international tourism services....	249
Sadullayev M.D. Sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini boshqarish.....	252
Tilabov N.T. Davlat qarz siyosatini samarali boshqarish strategiyasini takomillashtirish.....	256
Toshtemirov Y.N. O'zbekistonda logistik faoliyatni rivojlantirishning hozirgi darajasi.....	264
Toshtemirova Z.M. Mahalla institutining iqtisodiy integratsiya jarayonlaridagi strategik ahamiyati.....	268
Uralov E.O. Surxondaryo viloyati xududida sanoatni shakllanishi va rivojlanishi.....	273
Xursanova F.Sh. Budjetlararo munosabatlarning iqtisodiy mazmuni.....	278
Yuldasheva G.A. Investitsion qarorlarni kabul qilishda moliyaviy tahlilning ahamiyati va roli	282
Абдуллаева Р. Тadbirkorlikning zamonaviy kuryentlari.....	287
Юлдашев А. Фаргона вилояти маҳаллаларида инвестиция фаоллигини оширишнинг институционал асослари	292
Abdumalikova Z., Razakova B.S. O'zbekiston sug'urta bozorini moliyaviy texnologiyalar (insurtech) asosida rivojlantirish: imkoniyatlar va yo'nalishlar.....	294
Azimov B.F. Milliy innovatsion tizimni boshqarishda tashkiliy-institutsional va moliyaviy-iqtisodiy mexanizmlarning roli.....	300
Begaliyeva M.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim tizimida sifat menejmentini samarali joriy etishning ahamiyati.....	304
Dawletmuratov A.M. Xizmatlar bozorini rivojlantirish orqali bandlikni oshirish va daromadlarni ko'paytirish mexanizmlari.....	308
Karimova L.S., Jabborov A.A. O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot: holati, muammolar va rivojlanish istiqbollari.....	313
Maxmudov F.U. Oliy ta'lim muassasalarida moslashuvchan marketing strategiyalarini ishlab chiqish mexanizmlari.....	319
Navruz-zoda L.B. Kichik biznes subyektlarining kadrlar salohiyati va bilim infratuzilmasiga bo'lgan talablari: Buxoro viloyati misolida.....	323
Nishonboyev D.E., Abdumalikov S.T. Chorvachilik tarmog'ini innovatsion boshqaruv asosida rivojlantirish istiqbollari.....	327

Nurmirezayeva N.R. Valyuta kursi o‘zgarishining eksport-importga ta’siri: O‘zbekiston misolida amaliy baholash.....	331
Rahimov A.M. Hududiy iqtisodiyotni rivojlantirishda qayta ishlash sanoatini rivojlantirishning samarali mexanizmlarini takomillashtirish.....	335
Ibragimova G.S. Ta’lim sifatini baholashning xalqaro tajribasi va uni joriy etish.....	339
Ravshanova M.M. Hududiy iqtisodiy salohiyatni baholashda zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish va ularning elektron tijorat tizimidagi o‘rni.....	343
Ro‘ziboyeva M. O‘zbekistonda ishchi kuchi migratsiyasi va iqtisodiy o‘sish darajasining o‘zgarish dinamikasi.....	347
Saidova F.K., O‘rozov Sh. Korporativ ijtimoiy mas’uliyat (CSR) va yashil iqtisodiyot: logistika sektorida boshqaruv strategiyalari.....	350
Sultonov S.N. Hududlarda klasterlarini investitsion - innovatsion rivojlantirish istiqbollari (Qashqadaryo viloyati misolida).....	354
Sultonova D.U. Korxona iqtisodiyotida resurslarni boshqarishning raqamli-integratsiyalashgan modelini takomillashtirish.....	358
To‘raxojayev H.H., Hoshimov P.Z. Islomiy banklarning ishlash tamoyili va islom moliya tizimining O‘zbekiston iqtisodiyotiga tadbiqu.....	362
Tursunova N.U. Bridging the innovation gap: development-focused entrepreneurship support and international intermediaries.....	368
Акрамова Г.А. «Роль женщин-ученых в совершенствовании механизмов коммерциализации ремесленных услуг Узбекистана в условиях цифровой экономики».....	374
Болтаев Ж.А. Трансформация банковского сектора в условиях цифровизации мировой экономики..	379
Жунайдуллаев М.А. Жанубий Кореяда рақамли таълим технологиялари орқали индивидуал спортчиларини тайёрлаш тизимини бошқаришнинг миллий хусусиятлари.....	384
Митрушова М.Л. Интеллектуальный капитал как ключевой фактор инновационного развития предприятия.....	388
Муродов О.У. Барқарор ривожланиш тушунчаси ва унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик мезонлари.....	392
Саидова Г., Ибрагимова К., Қурбонов А. Рақамли трансформация шароитида енгил саноат корхоналари маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш стратегиялари.....	396
Sarkarov S.Z. O‘zbekistonda qurilish sohasining texnologik bisqichlar kesimida rivojlanishi.....	401
Minojiddinova N.M. Aksiyadorlik jamiyati korxonalarida xodimlarni samarali boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanish istiqbollari.....	406
Ruzmetova I.Y. Xorazm viloyati iqtisodiyotida kichik biznesning o‘rni.....	410
Qudratov D., Ismoilov A. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning tarmoqlar rivojidadagi o‘rni.....	414
Qodirov H.D. Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali davlat byudjeti daromadlarini barqaror oshirish yo‘llari.....	417
Kinjayev K.N. Banklarda kreditlar tasnifini yaxshilash orqali rentabellikni ta’minlash yo‘llari.....	421
Макушина А.Ю. Государственная поддержка экспортного потенциала субъектов малого предпринимательства в Республике Узбекистан.....	424
Rejapov X.X., Oxunjonova K.K. Ixtisoslashtirilgan savdo majmualarini moliyaviy resurslarini shakllantirish va ishlatish yo‘nalishlari – Bek Baraka savdo majmuasi misolida.....	430
Махкамова Н.С. Роль государственно-частных партнерств (ГЧП) в продвижении устойчивого развития	434
Avilov N., Muhammadova G. Korxonalarda materiallar harakatining auditi va iqtisodiy tahlili.....	441
Abdullayeva R.G., Raxmonova I.S. O‘zbekiston qishloq hududlarida bandlikni ta’minlash holati va rivojlanish tendensiyalari.....	444
Yusupova M.B. Ustama ishlab chiqarish xarajatlarini taqsimlashning ABC usuli.....	447
Toshpo‘latov M.A. Ta’lim loyihalarida moliyaviy mablag‘lardan samarali foydalanishning xususiyatlari...	452
Hamidova Sh., Ahmadaliyeva H. Kapital qo‘yilmalarning samaradorlik tahlili.....	458
Хамракулов С.М. Собственный капитал в функционировании экономических субъектов Республики Узбекистан.....	461
Zayavitdinova N.M. Raqamli platformalar asosida xizmat ko‘rsatish korxonalarida boshqaruv samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari.....	465
Turg‘unov T.S. O‘zbekistonda aholi turmush darajasini statistik taxlil qilishning ahamiyati.....	469
Ботирова З.Қ. Рақамли иқтисодиёт шароитида даромадларни бошқаришнинг хусусиятлари....	475
Бегимова Н.К. Меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабаблари.....	481

bilan bog‘liq. Shu jihatdan, davlat tibbiy sug‘urtasi nafaqat tibbiy xizmatlarni moliyalashtirishning yangi modeli, balki aholining moliyaviy himoyasini kuchaytiruvchi muhim ijtimoiy mexanizm ham hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bekmurodov A.Sh. O‘zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiyalash va barqaror rivojlantirish masalalari. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2011.
2. Vaxabov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2018.
3. Malikov T.S. Davlat moliyasi. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2015.
4. Xaydarov N.X. Davlat byudjeti. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2019.
5. Jumaev N.X. O‘zbekistonda davlat moliyasi va byudjet siyosati. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2017.
6. Baev X.I. Ijtimoiy sohani moliyalashtirishning iqtisodiy asoslari. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2016.
7. Xoshimov P.Z. O‘zbekistonda sug‘urta xizmatlari bozorini rivojlantirish. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2018.
8. Nurillaev A.S., Shennaev X.M. Sog‘liqni saqlash tizimini moliyalashtirish va uni takomillashtirish masalalari. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2020.
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 05.09.2024 yildagi “Davlat tibbiy sug‘urtasi mexanizmlarini joriy etishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-311-son qarori.
10. <https://dtsj.uz/uz/davriy-hisobotlar/> Davlat tibbiy sug‘urtasi jamg‘armasi ma’lumotlari asosida tuzildi.

УДК:338.43

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ИХТИСОСЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ И
СПЕЦИАЛИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**SCIENTIFIC BASIS OF TERRITORIAL ORGANIZATION AND SPECIALIZATION OF
AGRICULTURE**

Ешимбетов Уктамжон Худайбергенович

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти “География ўқитиш метоикаси”
кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва уни ихтисослаштиришнинг назарий асослари ўрганилган. Ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштиришга таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилган. Шунингдек, ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштириш бўйича олимлар фикрлари бир тизимга келтирилиб таҳлил қилинган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини концентрация ва интенсив ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталинган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, ҳудудий ташкил этиш, ихтисослаштириш, самарадорлик, деҳқончилик, чорвачилик, концентрация, интенсив, тармоқ, минтақа.

В статье изучен теоретические основы территориальной организации сельского хозяйства и его специализации. Рассмотрены факторы, влияющие на территориальную организацию и специализацию. Также, были сведены в одну систему и проанализированы

мнения ученых о территориальной организации и специализации. Кроме того, были затронуты вопросы концентрации и интенсивного развития сельского хозяйства.

Ключевые слова: сельское хозяйство, территориальная организация, специализация, продуктивность, земледелие, животноводство, концентрация, интенсивность, отрасли, регион.

Theoretical foundations of the territorial organization of agriculture and its specialization is studied in the article. The factors influencing the territorial organization and specialization are considered. Furthermore, the opinions of scientists about the territorial organization and specialization were summarized in one system and analyzed. In addition, issues of concentration and intensive development of agriculture were discussed.

Keywords: agriculture, territorial organization, specialization, productivity, animal husbandry, concentration, intensity, industries, region.

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг йирик тармоғи бўлиб, кишилик жамиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги ҳар қандай жамиятнинг асосидир. Қишлоқ хўжалиги қадимий соҳалардан бири. Дастлаб ижтимоий (худудий ёки географик) меҳнат тақсимооти ҳам қишлоқ хўжалиги (олдин чорвачилик, кейин деҳқончилик) пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ижтимоий меҳнат тақсимооти – бу алоҳида худудий хўжалик юритувчи субъектлар (мамлакатлар, минтақалар, туманлар ва шаҳарлар) ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ихтисослашувидир. Ихтисослашув даражасининг ошиши меҳнат тақсимоотининг чуқурлашувига олиб келади. Демак, ихтисослашув ижтимоий меҳнат тақсимоотининг асоси ҳисобланади.

Меҳнат тақсимоотининг асосий назарий қоидалари ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва истеъмолчининг иқтисодий манфаатларига йўналтирилган қишлоқ хўжалигининг мақбул худуд-тармоқ таркибини аниқлашга қаратилган [20].

А.И.Алтуховнинг фикрига кўра «...худудий ва тармоқ меҳнат тақсимооти мамлакат ва минтақа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг зарурий шартидир...», иккинчиси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида устувор йўналиш эканлиги билан боғлиқ [2, 3]. Худуд-тармоқ меҳнат тақсимооти мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини оқилона жойлаштириш, иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишнинг асоси ҳисобланади [4]. Худудий меҳнат тақсимооти ишлаб чиқаришнинг географик жойлашишини тавсифлайди. Бу, бир томондан, маълум турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш худудларини ажратиб туради, бошқа томондан, меҳнат натижаларининг минтақалараро товар айирбошлашни кучайтиради. Худудий меҳнат тақсимооти худудий (зонал) ихтисослашувга замин яратади [34]. Шундай экан, худуд-тармоқ меҳнат тақсимооти, жойлаштириш ва ихтисослаштириш бир-биридан ажралмас, чамбарчас боғлиқ жараёнлар ҳисобланади. Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимоотининг чуқурлашиши натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши содда ва бетартиб тизимдан, меҳнат кооперацияси ва интеграцияси асосида худудий жиҳатдан оддий гуруҳлар, тармоқ ва тармоқлараро мажмуалар юзага келган [19].

Бугунги кунда ҳам мазкур тармоқ жаҳонда айниқса, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида етакчи тармоқ ҳисобланади. Республикамиз учун ҳам қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда энг аввало аграр соҳага катта эътибор берилмоқда. Аграр соҳадаги ислохотларнинг туб моҳияти минтақалардаги табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлароқ ва узлуксиз таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Ушбу муаммолар қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали юмшатиш мумкин. Таркибий ўзгаришлар ҳар бир худуднинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда худудий ташкил этиш ва ихтисослаштириш билан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигини худудий ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш мажмуаси жараёндир. Ихтисослаштириш бир ёки бир неча тармоқнинг

устувор ривожланишига имконият яратади. Бошқача айтганда ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштириш бир муаммонинг икки томони ҳисобланади. Ихтисослашув қишлоқ хўжалиги жойлашувининг бир шакли, ихтисослашув шакл ва мазмун жиҳатдан жойлашув ҳисобланади [11].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришдан мақсад ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, истеъмолчилар эҳтиёжини қаноатлантириш, меҳнатни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат [15].

Ихтисослашувни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона мужассамлаштириш ва жойлаштириш минтақавий ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишнинг гаровидир. Бунда ҳудуд бозор ва табиий муҳитининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур [34].

Ушбу тушунчалар – ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли ҳисобланади. Ҳудудий ташкил этиш турли хил қишлоқ хўжалиги экинларини ёки чорва молларини ареал бўйича кенг майдонга жойлашуви. Ихтисослаштириш эса маълум ҳудуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг йўналишини аниқлаб беради. Оқилона жойлаштиришсиз мақсадга мувофиқ ихтисослаштиришнинг бўлиши мумкин эмас. Агар қишлоқ хўжалик тармоқлари чуқур ихтисослашган бўлса, улар оқилона жойлашган бўлади. Бу ҳодисалар турли ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий имкониятларига қараб турлича олиб борилади. Ушбу жараён ўзаро боғлиқ бўлган табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларни илмий-амалий ўрганиш орқали амалга оширилади. Бу омилларни ўрганиш қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни оқилона амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришнинг асосий мезони – харажатларни минималлаштириш, самарадорликни ошириш эвазига даромадларни максималлаштириш ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган ресурсларни тежаш ҳисобига олинадиган фойдани кўпайтириб бориш тушунилади.

Муайян соҳалар ва экинларни устувор ривожлантириш учун алоҳида ҳудудлар ва корхоналарнинг қулай табиий ва иқтисодий имкониятларидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш, моддий ва меҳнат харажатлари камайтириш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ушбу мулоҳазаларга суяниб таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш доимо табиий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг мавжуд имкониятларига таянади. Бу борада К.И.Иванов маълум ҳудудда «табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларининг ҳудудий фарқларидан самарали фойдаланиш ижтимоий меҳнат унумдорлигининг юқори чўққисини таъминлайди» [13], деб таъкидлаганди. Н.Н.Баранский «иқтисодий географ жойдан жойнинг хўжалиқда ихтисослашувидаги тафовутларни табиий муҳитнинг макондаги фарқлари билан таққослаб, унинг ўзига хос қонуниятларини очиб беради» — деган сўзлари билан бу борадаги тадқиқотларнинг асл моҳиятини белгилаб берган эди.

Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш объектив жараён ҳисобланиб, тармоқнинг муваффақиятли ривожланиши табиий ва биологик ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ.

Табиий шароит қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш салоҳиятини белгилаб берувчи объектив омилдир. Қишлоқ хўжалиги салоҳиятини белгилашда биз А.А. Оразалиева фикрини қўллаб-қувватлаймиз. У «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш салоҳияти – бу хўжаликлар ва ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уларнинг миқдор, сифат, таркибий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ресурслар билан белгиланадиган маълум ҳажмда етиштиришнинг объектив қобилятидир» деб таъкидлайди [24].

Ҳар қандай ҳудуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг оқилона ихтисослашуви аниқ табиий ва иқтисодий шароитларни пухта ва батафсил ўрганмасдан туриб амалга ошириш иқтисодий самарадорликнинг паст бўлишига ҳаттоки хўжалик инқирозига олиб келади. Табиий омиллар ҳар доим бир қатор омиллар билан уйғунликда ишлаб чиқаришни жойлаштиришда у ёки бу ролни ўйнайди. Табиий ресурслар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш, ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади [7].

Табиий шароит қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва унинг ҳудудий фарқларининг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Табиий шароитни қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг етакчи омили сифатида табиатнинг барча компонентларини ҳисобга олиш лозим. Ҳар бир ҳудуднинг табиий шароити (ҳудуд ер юзасининг тузилиши, иқлим, сув, ўсимлик, тупроқ ва ер ресурслари ҳолати, ёғин-сокин-сокин миқдори) шу ҳудуд деҳқончилик ёки чорвачиликнинг маълум бир ёки бир неча тармоғини ихтисослаштиришга замин яратади. Айниқса, иқлим ва тупроқ ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Иқлим ресурслари – бу иқлим элементлари модда ва энергиянинг миқдоридир, унинг қишлоқ хўжалигида бевосита фойдаланиладиган элементлари – радиация, намлик, иссиқлик, шамол ва бошқа агроиқлим ресурсларини ҳосил қилади [36]. Тупроққа хўжалик нуктаи назардан баҳо беришда, ялпи олинган маҳсулотга қараб эмас, балки маҳсулот қиймати ва сарф-харажат миқдорига қараб баҳо берилади [25]. Ернинг ўзига хос қиймати бор ва бу қиймат турли шароитда турлича [28] Шунингдек, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг уйғунлиги, миқдор ва сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тузилиши, тармоқ ихтисослашувини маълум даражада белгилайди.

Агар Қорақалпоғистон Республикасида бир тармоқ, масалан, пахтачилик мисолида ушбу омилнинг қишлоқ хўжалиги ихтисослашувига таъсирини олиб қарайдиган бўлсак, уни етиштиришда республиканинг табиий зоналари бўйича маълум даражада фарқларни кўриш мумкин. Минтақанинг жанубий зонаси пахта етиштириш марказий ва шимолий зоналарга нисбатан ривожланган. Чунки, мазкур тармоқ ривожланиши учун жанубий зонада табиий шароитнинг нисбатан қулайлиги (самарали кунларнинг бирмунча узоқ давом этиши) билан изоҳланади.

Табиий шароитнинг чорвачилик тармоқлари жойлашиши ва ихтисослашишига таъсири энг аввало ҳудуднинг бевосита тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ бўлган ем-хашак етиштириш ҳамда табиий яйловларнинг мавжудлигида кўринади. Шунингдек, табиий муҳит деҳқончилик ва чорвачилик тизими, агротехник ва мелиоратив тадбирлар мажмуасини олиб бориш жараёни ҳудудий фарқларнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш учун табиий шароит билан бир қаторда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий шароитининг (аҳоли ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш, ижтимоий, бозор ва транспорт инфратузилмалари) аҳамияти ҳам катта. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувига саноатнинг ривожланиши ва жойлашуви, шаҳар аҳолисининг сони, ер фондидан фойдаланиш даражаси, транспорт ва алоқа тармоғининг ҳолати, давлатнинг капитал қўшилмалари, иқтисодий сиёсат ва унинг турли районларда дифференциацияси, давлатнинг муҳофаза сиёсати ҳам таъсир қилади [8].

Я.Н.Коваленко қишлоқ хўжалигини тўғри жойлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг қуйидаги омилларга боғлиқлигини таъкидлайди: маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишчи кучи харажатларини тежаш ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажмини ошириш мумкин бўлган ҳудудларга жойлаштириш; меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш; транспорт турларининг ривожланиш ҳолати; саноат ва қишлоқ хўжалигининг мутаносиб жойлашиши ва ривожланиши; илмий-техника тараққиёти ва моддий-техник базани такомиллаштириш; давлатнинг озиқ-овқат ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифалари [14].

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштиришда ижтимоий-иқтисодий омиллардан бири – аҳоли ва унинг таркибий қисми ҳисобланган меҳнат

ресурсларининг ўрни бекиёсдир. Худудий ташкил этиш ва ихтисослаштиришда аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тарихан ташкил топган меҳнат малакаси асосий ўрин тутди. Аҳоли ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш куйидаги ўзаро боғлиқликда намоён бўлади: ишчи кучи тўпланган пунктлар турли хил ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга замин яратади (биринчи навбатда кўп ишчи кучи талаб қиладиган тармоқлар); иккинчидан, аҳоли ишлаб чиқариш натижаларининг истеъмолчиси сифатида истеъмол пунктларини ташкил этади [29].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг муҳим омили қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари орасида қатъий нисбийликка амал қилиш зарурлигидир. Чунки, қишлоқ хўжалиги корхоналарини маълум даражада техник воситалар ва минерал ўғитлар билан таъминланиши, интенсив ривожланиши саноат тараққиёти ва унинг жойлашиш ҳолатига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ривожланишида асосан саноатнинг машинасозлик, кимё, қурилиш ва электр энергетика тармоқлари билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши уйғунлашган ҳолда ривожлантиришнинг худудий муаммоларини географик жиҳатдан ўрганиш К.И.Иванов илмий ишларида ўз аксини топган. У қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида худудий тизимларнинг шаклланиши илмий концепциясини ишлаб чиқди. Концепциянинг асосий тамойили сифатида худудлар ва корхоналарнинг энг юқори самарали бирлигини таъминловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари – уни маълум худудда тўплаш (концентрациялаш), ихтисослаштириш ва кооперациялаш (ҳамкорлик қилиш) олинган [12].

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг яна бир асосий омилларидан бири бу ишлаб чиқариш кучларининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири инфратузилма бўлиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳолига ҳар томонлама хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларни яратади. М.Зандининг ҳисоб-китобларига кўра, инфратузилма лойиҳаларига киритилган ҳар бир доллар ҳисобига 1,59 доллар самара олиб келишини таъкидлаган [18].

Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда транспорт турларининг мавжудлиги ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиш зарур. Транспорт қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмол бозорига, тармоққа зарур (техника, минерал ўғитлар ва бошқа) воситаларни етказиб беришга имконият яратади. Транспорт қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархига ўз таъсирини кўрсатади. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда сутнинг таннархида транспортнинг улуши 20 фоизга боради [37]. Шу боис сут етиштириш йўналишидаги чорвачилик хўжаликларини йирик шаҳар, туман марказлари ва аҳоли пунктлари атрофида жойлаштириш самарали натижа беради.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришда табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллардан ташқари бозор иқтисодиёти омилини унутмаслик керак. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш рақобат муҳитининг вужудга келиши, талаб ва таклиф қонунлари асосида шаклланади ва ривожланади. Марказлашган режали иқтисодиётда ишлаб чиқаришни қатъий режа асосида жойлаштириш ва ихтисослаштириш амал қилса, бозор иқтисодиёти шароитида нимага ихтисослашувни ва қаерда жойлаштиришни пировард натижа бозор, рақобат, талаб ва таклиф белгилайди. Давлат эса ўзининг регионал ва солиқ сиёсати орқали бу жараённи бошқариб, тартибга солиб туради. Бозор иқтисодиёти – бу ишлаб чиқариш эркинлиги ва харид эркинлигидир, бу – рақобатдир. Демак ишлаб чиқаришни режали ва пропорционал, текис жойлаштириш ўрнига худудий тенгсизлик, мусобақа ўрнига рақобат тушунчаларини қўллашга тўғри келади [32].

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган истеъмол талаби ихтисослашувнинг асосий шартларидан (омилларидан) бири бўлиб, у асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали ифодаланади [16].

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва унинг худудий тизимига таянган янги шаклларнинг вужудга келиши, шубҳасиз, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланади, унинг таъсир доирасида бўлади. Бироқ, «ҳар бир бозор у мамлакатникими, жумҳуриятникими қандай бўлишидан қатъий назар, ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлиши керак. Бу хусусиятлар табиий иқлим шароитидан, тарихий ва миллий анъаналардан келиб чиқади» [26].

Бозор тизими иқтисодий фаолиятни мажбурлашсиз мувофиқлаштиришга қодир, чунки у тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини ифодалайди [21]. Бироқ, бозор механизми имкониятларининг ўз чегараси борлигини унутмаслик керак. Бинобарин, у барча минтақавий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни тўлиқ ҳал этиш имкониятига эга эмас. Таниқли иқтисодчи олим А.Смит замонавий бозор муносабатлари шароитида давлатнинг муҳим ролини ва миллий хусусиятларини эътиборга олиш кераклигини, маълум даражада иқтисодиётнинг ўзини ўзи бошқариш учун бозор механизмнинг чекланганлигини таъкидлайди [31].

Ҳозирда маълум бўлган бозор иқтисодиётининг ҳеч бири ўз-ўзидан фаолият юритмайди. Уларнинг барчаси давлат томонидан тартибга солиш объектлари бўлиб, уларнинг ривожланиш истиқболлари у ёки бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мазмуни билан белгиланади [10].

Хитой моделининг «меъмори» Ден Сяопиннинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Режа» ёки «бозор» – бу капитализм ва социализмнинг туб фарқи эмас. Режали иқтисодиёт социализм деган маънони англатмайди, капитализмда ҳам режа мавжуд. Айни вақтда бозор иқтисодиёти капитализм эмас, зеро, социализмда ҳам бозор мавжуд. Режа ва бозор – иқтисодий усуллардир [35]. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, социализм тизимининг ҳам капитализм тизимининг ҳам ишлаб чиқаришдан асосий мақсади жамиятнинг моддий ва номоддий талабларини қаноатлантириш орқали иқтисодий фойдага эришиш ҳисобланади. Иқтисодий фойдага эришиш турлича механизмлар орқали амалга оширилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш маълум даражада режа асосида амалга оширилади.

Илмий-техника тараққиёти қишлоқ хўжалигида жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув ва концентрация жараёнини тезлаштиради; тармоқда ишлаб чиқариш техника ва технологияларини такомиллаштиради; деҳқончилик ва чорвачиликда илм-фан ютуқларидан фойдаланиш асосида интенсив ривожлантиришга имконият яратади, бунда янги экин турлари ва насли чорва моллари яратиш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишга эътибор қаратилади; айрим экин турлари ўзининг мавсумийлик хусусиятини ўзгартиради; чорвачиликнинг баъзи тармоқлари (паррандачилик, сут-гўшт чорвачилиги) индустриал йўл билан ривожланади; меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорликни оширади.

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштиришни оқилона амалга оширишда табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллардан ташқари давлатнинг аграр сиёсати, мулкчилик шакллари, аҳолининг тарихан ташкил топган меҳнат малакаси ва бозор иқтисодиёти каби омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсати минтақаларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланиб, бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга давлат буюртмалари ҳажми, малакали кадрлар тайёрлаш тизими, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш, имтиёзли нарх, солиқ ва кредит сиёсатини юритиш муҳим омил ҳисобланади [1].

Қишлоқ жойлар инфратузилмаси, суғориш иншоотлари, сув омборлари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари ҳам қишлоқ хўжалигини тўғри ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштиришга катта таъсир кўрсатади.

Мавжуд илмий манбаларда қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш бўйича олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. А.Талканица фикрича, ихтисослаштириш етакчи тармоқ ёки экинларни ажратиш йўли билан улар ўртасида айрим мутаносиблик ўрнатади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш турли хил, яъни ҳам ялпи, ҳам товар маҳсулотларининг салмоғи бўйича аниқлаш мумкин.

И.Сигов фикрича, ихтисослаштириш кўрсаткичини ялпи маҳсулот асосида эмас, товар маҳсулоти асосида ҳисоблаш керак, иккинчидан, эътиборни барча товар маҳсулотларига эмас,

балки унинг четга чиқарилган қисмига қаратиш керак, учинчидан, ташқарига чиқарилаётган ва четдан келтирилаётган шу турдаги маҳсулот ҳажми ўртасидаги фарқ асосида аниқлаш мумкин [30].

Н.А.Банников ихтисослашув етакчи тармоқнинг қўшимча тармоқлар билан уйғунлаштириш асосида товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташкил этишни тушунган [6].

А.Солиев фикрича, ихтисослашув маҳсулотнинг товар сифатида четга юборилиши билан белгиланади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ортиқча қисми бошқа ер (мамлакат ёки район) га йўналиши лозим, маҳсулот шу жойнинг ўзида тўла, батамом истеъмол қилиниши ихтисослашув, ҳудудий меҳнат тақсимооти эмас, бу оддий натурал хўжалиқдир [32]. Ихтисослашув (корхоналар, минтақалар, зоналар ва бошқалар) – бу маълум турдаги маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришда ифодаланган ижтимоий меҳнат тақсимотининг шаклидир [12].

А.Колобова ва Т.Семеновларнинг фикрича, ихтисослашув ҳар бир корхона ва ҳудуднинг ишлаб чиқариш йўналишини ва ижтимоий меҳнат тақсимоотидаги ўрнини белгилайди. Аграр тармоқда маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш – бу юқори ҳосил берадиган экинларни экиш, чорва молларининг маҳсулдор турларини кўпайтириш ҳисобига сарфланган маблағларни юқори даража билан қоплаш, ҳар бир гектардан максимал фойда олишни таъминлашдир [17]. Хўжалиқнинг ихтисослашуви маълум даражада сотиш даражаси, ҳар 100 га қишлоқ хўжалиги экин ерларига товар маҳсулотларнинг ҳажми билан белгиланади [9]. Ихтисослашув район чегараларидан ташқарига ўзининг баъзи товар ва хизматларини сотиш ҳисобланади. Ихтисослашув ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади [33]. Ихтисослашув – бу ҳудудлар ичидаги маълум маъмурий-ҳудудий бўлинмалар (туманлар) ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки бутун қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш йўналишидир [22]. Корхонанинг ихтисослашуви деганда унинг фаолияти маълум турдаги ёки маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги тушунилади [23].

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш алоҳида олинган зона ёки хўжалиқда бош тармоқнинг ажратилиши ва унинг самарали ривожланиши учун шароит яратилишида кўринади. У ишлаб чиқариш йўналишини тавсифлайди, зона ёки хўжалиқ тармоғининг тузилишини белгилайди. Қишлоқ хўжалигини тўғри ихтисослаштириш меҳнат унумдорлигини оширади. Бунда бирор бир ёки бир неча экин турини ва чорва молларини кўпайтириш учун энг қулай тупроқ, иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шароитлардан фойдаланилади. Ихтисослаштириш самарадорликни ошириш билан бир қаторда товар сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, ихтисослашув ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва ҳудуд таркибининг ўзгаришига олиб келади. Шу ерда ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва ҳудуд таркиби ҳақида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Р.Я. Бакланов ҳудудий тузилмани, «маълум бир ҳудуд бўйлаб турли хил таркибий қисмларнинг тақсимланиши: табиий, табиий ресурс ва ижтимоий-иқтисодий ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ҳудуд билан бевосита алоқадаги турли хил бирикмалар» деб тушунади [5].

Ихтисослашув қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини йирик ишлаб чиқариш турига кўра ташкил этишни назарда тутди. Бу ишлаб чиқариш ресурсларининг асосий қисмини етакчи соҳага йўналтиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ихтисослашиш асосий, қўшимча ва ёрдамчи тармоқларга бўлинади. Асосий тармоқ хўжалиқнинг ихтисослашишини белгилайди, яъни товар ёки ялпи маҳсулот структурасида асосий ўринни эгаллайди ва катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлади. Қўшимча тармоқ ҳам товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни таъминлайди, аммо асосий тармоққа нисбатан умумий ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан кам бўлади ва хўжалиқнинг асосий йўналишини, яъни ихтисослашишини белгиламайди. Ёрдамчи тармоқларга (асосий ва қўшимча тармоқларнинг ривожланишига шароит яратади) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқалар киради [27].

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри ҳудудий ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, интенсивлаштириш ва мужассамлаштиришнинг энг муҳим шарти бўлиб, улар ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қилади. Бу ўз навбатида тўғри ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштиришнинг зарурлигини яна бир бор исботлайди. Мақбул ихтисослашув хўжаликнинг интенсив ривожланишига ва ишлаб чиқаришни мужассамлаштирувга замин яратади.

Демак, қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштириш, мужассамлаштириш ва интенсивлаштириш бир-бирига боғлиқ бир бутун масала бўлиб, мавжуд табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини беради. Шунингдек, ихтисослашув ҳудудий меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига, пировардида иқтисодий самарадорликка замин яратади. Ихтисослашув натижасида ишлаб чиқариш таркибининг тармоқ ва ҳудудий таркиби такомиллашиб боради.

Юқоридаги мулоҳазалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, маҳсулот етиштиришни жойлаштиришда ҳам ҳудуд ҳам, тармоқ хусусиятлари инобатга олинishi керак деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Г.М., Хакимжонова Д.Ш. Минтақа қишлоқ хўжалиги ривожланишида ҳудудий тафовутларга таъсир этувчи омиллар. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 39-жилд. Т.: 2012. 92-94 б.
2. Алтухов А.И. Сельскохозяйственному производству страны необходима новая концепция размещения и специализации. // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2019. №8. С. 7-14.
3. Алтухов А.И. Территориально-отраслевое разделение труда в агропромышленном производстве. // АПК: экономика и управление. 2015. №7. С. 9-21.
4. Алтухов А.И. Территориально отраслевое разделение труда в агропромышленном производстве страны в системе ее продовольственного обеспечения: вопросы методологии и практики.
5. Бакланов П.Я. Территориальные структуры природопользования в региональном развитии // Геосистемы в Северо-Восточной Азии. Материалы Всероссийский научно-практический конференции. Владивосток: ТИГ ДВО РАН, 2017. С. 4-7.
6. Банников Н.А. Специализация и концентрация производства М.: Россельхозиздат. 1973. 94 с.
7. Бектемиров К.К. Устойчивое развитие регионов экологического кризиса: методология и инструментарий применения в Приаралье. — Т.: Фан, 2006.
8. Васильев Н.В. Специализация и размещения сельскохозяйственного производства в СССР. М.: Мысль. 1965. 452 с.
9. Гаджимурадова К.Б. Специализация и концентрация сельскохозяйственного производства. Региональные проблемы преобразования экономики. 2009. №5. с. 25-35.
10. Государственное регулирование экономики: Учеб. пособие для ВУЗов/ Т.Г. Морозова, Ю.М. Дурдыев, В.Ф. Тихонов и др. под ред. Т.Г. Морозовой. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. 255 с.
11. Заметин И.И., Перцев П.П. К вопросу о специализации сельского хозяйства. Под ред. Романенко. М.: Мысль. 1970. 414 с.
12. Ибрагимов А.Д. Роль специализации в повышении эффективности сельскохозяйственного производства. <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-spetsializatsii-v-povyshenii-effektivnosti-selskohozyaystvennogo-proizvodstva/viewer>
13. Иванов К.И. Территориальные системы общественного производства. М.: Мысль. 1975.
14. Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства с основами аграрных рынков. М.: 1999. 448 с.
15. Колобова А.И., Азарин Г.М. Организация сельскохозяйственных предприятий в условиях интенсификации. М.: МСХА. 1991. 160 с.

16. Колобова А.И., Проценко Е.А. Ценообразование в аграрном секторе АПК. Барнаул. 2002. 326 с.
17. Колобова А., Семенов Т. Специализация и размещение аграрного производства в регионе. // Экономика сельского хозяйства России. 2007. №6. с. 38-39.
18. Кондратьев В. Инфраструктура и экономический рост. //Мировая экономика и международные отношения. 2011. №11. с 18-24.
19. Крючков В.Г. Территориальная организация сельского хозяйства. (Проблемы и методы экономико – географического исследования). – М.: Мысль, 1978. – 268 с.
20. Кузиев К.Ф. Региональные особенности развития сельского хозяйства в Узбекистане в условиях дефицита водных ресурсов. //Региональная экономика: теория и практика. 2018. №4. С. 711-723.
21. Кэмпбелл Р., Макконнелл, Стэнли Л.Брю. Экономикс. Пер. с англ. 1993. Часть I. Таллин: 401 с.
22. Макаревич Л.О., Улезко А.В., Реймер В.В. Формы взаимодействия субъектов агропромышленной интеграции. // Экономика сельского хозяйства РФ. 2019. №10. с. 53-59.
23. Марченко А.В., Троценко В.М. Теоретические основы организации производства в АПК. Пермь: Прокрость. 2021. 237 с.
24. Оразалиев А.А. Развитие экономического механизма аграрного производства потенциала региона (на материалах Ставропольского края): Автореф.дис. эконом. наук.. – Майкоп: 26 с.
25. Ракитников А.Н. География сельского хозяйства. М.: Мысль. 1970. 342 с.
26. Рахманкулов Х. Бозор иқтисодиёти асослари. Термиз: Жайхун. 1994. 74. Б.
27. Рахманкулов Х. Основные направления развития и размещения производительных сил сельского хозяйства на современном этапе. Т.: Фан. 1986.
28. Юсупбаев К.Ю. Особенности реализации экономической реформы в аграрном секторе Республики Каракалпакстан. Т.: Узбекистан. 2001. 194 с.
29. Садыков А.М. Формирование и развитие региональных агропромышленных комплексов. Т.: 1989.
30. Сигов И. Разделение труда в сельском хозяйстве. М.: Экономическая литература. 1963.
31. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. М.: АСТ. 640 с.
32. Солиев А., Махамдалиев Р. Иқтисодий география асослари. Т.: 1996.
33. Социально-экономическая география: понятия и термины. Словарь-справочник. Под отв. ред. Горкин А.П. Смоленск: Ойкумена. 2013. 329 с.
34. Таранова И.В. Территориальное размещение и специализация субъектов аграрного сектора экономика региона: теория, методология, практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ставрополь. 2011. 42 с.
35. Тўхлиев Н. Осиё тараққиёти модели. Т.: Ўзбекистон. 2015. 176 б.
36. Файзуллаев М.А. Жанубий Ўзбекистон чўл худудлари қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-географик омиллари. География фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2017. 17 б.
37. Экономика сельского хозяйства / Под ред. В.А.Добрынин. Учеб. для высш. с.х. вузов по экон. спец. М.: Агропромиздат. 1990. 475 с.